O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
**HOKIMI**

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Самарқанд тумани
**ҲОКИМИ**

83

# ҚАРОР

5 yil " 1 " июн 1 № 192-19

**«ULUGBEK AGRO INVEST» маъсулияти чекланган жамиятига кишлок хужалик махсулотларини кайта ишлаб чикариш цехини кенгайтириш учун 0,5 га ер майдони ажратиш хакида.**

Туман хокимлиги хузуридаги ер участкаларини кишлок хужалиги кооперативи (ширкат хужалиги), дехкон ва фермер хужаликларига ва бошка ташкилот, корхоналарга ер участкаларини узок муддатли ижарага бериш (сотиш) масалаларини куриб чикувчи комиссиясининг 2005 йил 2-майдаги 26 ракамли баённома-хулосаси, ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси, Ф.Косимова номли ижара хужалигининг 2005 йил 19 мартдаги 1 сонли умумий йигилиш карори ва «ULUGBEK AGRO INVEST» маъсулияти чекланган жамиятининг туман хокимлигига 2005 йил 5 мартдаги 143 ракам билан кайд килинган алока хатини инобатга олиб, Узбекистон Республикаси «Ер кодекси»-нинг 23 моддасига асосан;

**КАРОР КИЛАМАН:**

1 «ULUGBEK AGRO INVEST» маъсулияти чекланган жамиятига кишлок хужалик махсулотларини кайта ишлаб чикориш цехини кенгайтириш учун кушимча 0,5 га (шундан:0,5-га яйлов) ер майдони ажратиш хакидаги туман хокимлиги хузуридаги ер участкаларини кишлок хужалиги кооперативи (ширкат хужалиги), дехкон ва фермер хужаликларига ва бошка ташкилот, корхоналарга ер участкаларини узок муддатли ижарага бериш (сотиш) масалаларини куриб чикувчи комиссиясининг 2005 йил 2 майдаги 26 ракамли йигилиш баённома-хулосаси, Ф.Косимова номли ижара хужалигининг 2005 йил 19 мартдаги 1 ракамли умумий вакиллар йигилиш карори ва ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиклансин.

2.«ULUGBEK AGRO INVEST» маъсулияти чекланган жамияти раиси У.Ганиевга кишлок хужалик махсулотларини кайта ишлаб чикориш цехини кенгайтириш учун лойиха хужжатларни тайёрлаб давлат курилиш экспертизаси ва меъморчилик курилиш назорат инспекцияси руйхатидан утказиб курилиш ишларини бошлаш вазифаси топширилсин.

3.Ушбу карорни бажарилишини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари Ф.Раджабов зиммасига юклатилсин.

**Туман хокими:** **Б.Садуллаев**